



POLAND



POLAND

**ФАЛСАФА ФАНИНИГ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА POWER POINT
ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ****Норпулатов Бекзод Норпулатович**Самарқанд Вилояти Пахтачи Тумани Тиббиёт
Бирлашмаси Кадрлар Масалалари Мутахасиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13935057>

Маълумки, ҳозирги кунда жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларини, шу жумладан таълим сифатини оширишни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Агар чет эл тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, замонавий шароитда ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезкор ривожланиши таълим жараёнида уларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун қулай шароитни вужудга келтирди. Масалан, ҳозирда United Kingdom Open University (Буюк Британия) талабалари бевосита ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали таълим олмоқдалар. Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларининг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Демак, узлуксиз таълим педагоглар зиммасига янада катта масъулият қўймоқда. Бу эса педагог учун нафақат педагогик маҳоратни балки ахборот технологиялардан оқилона фойдаланишни ҳам билишни талаб этмоқда.

Замонавий таълимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш уларнинг имкониятларини тўлиқ тадбиқ этишга асосланади. Шунинг учун барча педагоглар компьютер билан ишлаш кўникмаларини ўзлаштириши лозим. Ҳуқуқий фанларни ўқитишга йўналтирилган машғулотлар жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланаолиш кўникмаларига эга бўлиш, таълим оловчилар томонидан назарий билимларни пухта, чуқур ўзлаштирилиши, уларда амалий кўникмава малакаларнинг ҳосил бўлишининг кафолати бўла олади.

Ахборот-коммуникация технологияларини барча дарсларда қўллаш мумкин. Дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда электрон дарсликлар, слайдлар, видеолавҳалар, мультимедиа ва бошқа қўлланмалардан фойдаланишни йўлга қўйиш давр тақозасига айланди.

Кўргазмалилик асосий дидактик тамойиллардан бири бўлганлиги сабабли педагоглар доим таълим жараёнида кўргазмали қурооллардан фойдаланишга ҳаракат қилган. Ўқитувчилар янги мавзунини баён қилишда, уни мустаҳкамлашда, айрим ҳолларда эса назорат босқичида ҳам кўпинча



POLAND



POLAND

кўргазмали воситаларни қўллайдилар. Бунда компьютер тармоқларидаги дастурлардан фойдаланиш педагогларни таълим-тарбия беришдаги имкониятларини янада кенгайтиради. Ана шундай имкониятлардан бири Power Point дастуридир. Мазкур дастурда ишлаш бошқа дастурларга қараганда барча педагоглар учун қулай ва осондир.

Power Point дастурида тайёрланган тақдимот ёки слайд-фильм ўз ичига намоиш этиладиган материалнинг режаси ва асосий тушунчаларини, барча керакли схемалар, диаграммалар, жадваллар, расмларни олади. Бу дастурда слайдлар анимацияси билан бирга масалалар учун блок-схемалар тайёрлаш, билим назоратини амалга ошириш, дарс сўнгида мавзунинг асосий босқичларини умумлаштириш мумкин. Power Point дастурида тайёрланган слайдлар анимация, интерфаол элементлар билан биргаликда ахборот беришнинг сифат жихатидан янги даражасини таъминлайди. Овоз бериш имконияти ва сюжетли ўйинлар талабаларнинг эмоционал ҳолатига яхши таъсир этади ва ўқув материалининг чуқур ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Power Point дастуридан фойдаланганда тақдимотни қўллаш вақти, слайдларнинг мазмуни, кетмакетлиги, эстетик безагиги ҳисобга олиш зарур. Слайдларда тақдим этиладиган ахборотларда мавзуга оид янги маълумотларни келтириш лозим. Бу эса талабаларнижараёнга нисбатан қизиқишини ва мавзу юзасидан янги билимларни ўзлаштиришларига кўмаклашади.

Бундан ташқари, талабалар ҳам компьютерда ишлашга кўникма ҳосил қилишлари лозим. Мавзулар бўйича мустақил топшириқларни айнан компьютер технологиялари ёрдамида бажариши мақсадга мувофиқдир. Чунки, компьютер дастурлари орқали ўзлаштирилган мавзулар талабаларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади ва мавзуни мустақил ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим тизимида мустақил фикрловчи, ҳар қандай масала юзасидан ўзининг асосланган фикр ва қарашларига эга бўлган инсонни тарбиялаш бош масала сифатида қўйилар экан, ўқитишнинг янги усул ва услубларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш эҳтиёжи кун сайин ортиб бораверади. Бу эса биз педагоглар олдида замонавий педагогик ва ахборот-коммуниция ва инновацион технологиларни уйғунлаштирган ҳолда таълимни ташкил этиш орқали, провардида узлуксиз таълим тизимида сифат ва самарадорликка, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш таъминланади.



POLAND

CURRENT APPROACHES AND NEW RESEARCH IN MODERN SCIENCES

International scientific-online conference



POLAND

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.open.ac.uk>